



Challenges in cyber crime investigations

Dilrabo TOPILDIEVA¹

Tashkent State Law University

ARTICLE INFO

Article history:

Received October 2021

Received in revised form

15 October 2021

Accepted 20 November 2021

Available online

15 December 2021

Keywords:

cybercrimes,
digital forensic,
virtual space,
meta data,
expert,
specialist,
special knowledges.

ABSTRACT

In this article, the problems of investigation of cybercrimes are analyzed. Some problems and shortcomings related to the activities of the investigation, investigator, inquirer, expert and cyberspecialist are described. In addition, the issues of prevention of cybercrimes, the mechanism of their commission, qualification requirements for investigators and cyberspecialists involved in the investigation of such crimes and their disclosure are described. The possible different options for conducting legal and family cases in the field of cybercrime are also considered. Especially, the inconsistency of the investigation process of cases that are being conducted on cybercrimes, namely, which are possible for the initiation of criminal cases, is discussed. The probable complexity of expert forensic conclusions, the development of scientific and theoretical aspects of private forensic techniques, as well as issues related to the training of specialists in this field. Such failures in legislation can lead to both private and public opposition to state authorities.

2181-1415/© 2021 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss11/S-pp292-296>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Кибержиноятларни тергов қилиш муаммолари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

кибержиноят,
рақамли экспертиза,
виртуал макон,
метамаълумотлар,
эксперт,
мутахассис,
махсус билим.

Ушбу мақолада кибержиноятларни тергов қилиш муаммолари таҳлил қилинган бўлиб, унда тергов фаолияти, терговчи, суриштирувчи ҳамда эксперт ва мутахассис фаолияти билан боғлиқ айрим муаммо ва камчиликлар баён этилган. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг олдини масалалари, жиноятларни содир этиш механизми, ушбу турдаги жиноятларни тергов қилиш ва фош этиш билан шуғулланувчи терговчи ва мутахассисларга қўйилган малака талаблари ҳамда тергов ва суд амалиёти материалларини

¹ Lecturer, Tashkent State Law University. Tashkent, Uzbekistan. E-mail: d.topildieva@gmail.com.

тизимлаштиришнинг ўзига хос жиҳатлари баён этилган. Шунингдек, мақолада ушбу тергов жараёнининг процессуал нормаларга нисбатан номувофиқлиги, экспертиза хулосаларининг мураккаб жиҳатлари, илмий-назарий жиҳатдан соҳага оид хусусий криминалистик услубиётларни ишлаб чиқиш ва ушбу соҳага тегишли мутахассисларни тайёрлаш масалалари ҳақида сўз боради.

Проблемы расследования киберпреступлений

Ключевые слова:

киберпреступление, цифровая экспертиза, виртуальная пространство, мета-данные, эксперт, специалист, специальные знания.

АННОТАЦИЯ

В данной статье, анализируются проблемы расследования киберпреступлений. Описаны, некоторые проблемы и недостатки, связанные с деятельностью следствия, следователя, дознавателя, эксперта и киберспециалиста. Кроме того, описаны вопросы профилактики киберпреступлений, механизм их совершения, квалификационные требования к следователям и киберспециалистам, занимающимся расследованием такого рода преступлений и их раскрытием. Рассмотрены, также возможные различные варианты ведения юридических и семейных дел в сфере киберпреступлений. Особенно, обсуждаются несоответствие процесса расследования дел, которые ведутся по киберпреступлениям, а именно, которые, возможны для возбуждения уголовных дел. Вероятная сложность экспертных судебно-криминалистических заключений, разработка научно-теоретических аспектов по частным криминалистическим методикам, а также вопросы касательно подготовки специалистов в данной области. Такие провалы в законодательстве, могут привести, как к частному, так и к общественному противодействию государственным властям.

Ахборот технологиялари, рақамли қурилмалар ва интернет тармоғининг кенг жорий этилиши давлатнинг иқтисодий-сиёсий фаолияти, жамият ва фуқароларнинг фаол ва самарали ривожланиши учун янги, ноёб имкониятлар яратди. Бутун дунёда бўлгани каби Ўзбекистонда ҳам ахборот технологияларининг ривожланиши кундалик турмушимизда мобил технологиялар, улар орқали амалга ошириладиган тўловлар, банк тизимларининг бутунлай интернет тармоғига боғлиқлиги, банк мобил иловалари орқали пул ўтказмаларини қўллаш кўламини кенгайтиришга олиб келмоқда. Шу билан бирга, бундай технологияларнинг жадал ривожланиши улардан жинойий мақсадларда фойдаланиш учун қулай шарт-шароитларни яратмоқда.

Вақт ўтгани сайин, техник тараққиёт жиноятларнинг янги турларининг ривож-ланишига олиб келмоқда. Улардан бири кибержиноятчилик, яъни виртуал маконда содир этилган жиноятлар мажмуидир. Ушбу турдаги жиноятларнинг кўплиги ҳамда латентлик даражасининг юқори эканлиги янги турдаги экспертиза – рақамли экспертанинг вужудга келишига олиб келди.

Халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги асосий таҳдид рақамли технологиялардан фойдаланиш, шу жумладан, зарарли компьютер дастурларини яратиш, улардан фойдаланиш ва тарқатиш орқали компьютер тизимларига рухсатсиз кириш билан боғлиқ жиноятларнинг содир этилишидир. Кўриниб турибдики, кибержиноятчилик ва рақамли технологиялар соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш фаолиятига глобал тус берилмоқда.

Мутахассислар томонидан олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жиноятчиликнинг олдини олиш жараёни икки томонлама ҳаракатлар мажмуини ўз ичига олади. Биринчидан, тергов амалиётини ривожлантириш, яъни жиноятчилар уларни аниқлашлари кераклигига ишонч ҳосил қилишлари лозим. Иккинчидан, жиноятчиларда жазонинг мутлақо қаттиқ бўлишидан қўрқув ҳисси бўлиши керак.

Ўз навбатида, ушбу жиноятнинг содир этиш механизмининг мураккаблиги ва жиноятчининг махсус субъект эканлиги, шунингдек, мутахассис тайёрлаш тизими ҳамда назария ва амалиётга нисбатан технологик тараққиётнинг тезлиги сабабли кибержиноятлар тобора кўпайиб, ўта хавfli тус олмоқда.

Жиноят содир этиш усули жиноятни тайёрлаш, содир этиш ва уни яшириш бўйича жиноятчининг белгиланган ҳаракатлари мажмуидан иборат. Одатда, жиноятчилар ушбу ҳаракатларни амалга ошириб, маълум изларни қолдирадилар, бу кейинчалик содир бўлган воқеанинг асл моҳиятини тиклашга, жиноятчининг жинойи хатти-ҳаракатининг ўзига хослиги, унинг шахсий маълумотлари ҳақида тасаввурга эга бўлишга имкон беради. Бинобарин, компьютер маълумотлари нафақат жинойи тажовузнинг объекти бўлиши мумкин, балки компьютер маълумотлари жинойи тажовузнинг далили сифатида ҳам хизмат қилиши мумкин. Тармоқ ёки қурилмаларда “рақамли излар”нинг доимий мавжудлиги, фақат рақамли ахборотни қайта ишлаш ва узатишнинг муқаррар ёки табиий натижаси эмас. Бу нарса рақамли экспертиза учун ҳам эмас, балки кибер таъсир ўтказиш мақсадида қасддан қабул қилинган муҳандислик қарорлари натижасидир [1. Б. 150].

Кибержиноятларни тергов қилишдаги муаммолардан бири уларни аниқлаш ва фош этиш билан шуғулланувчи шахсларнинг малакаси етарли эмаслигидир. Аксарият терговчилар (суриштирувчилар) кибержиноятларни тергов қилиш учун рақамли технологиялар борасидаги билим ва кўникмаларининг етишмаслигини таъкидлашади. Кўплаб мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу муаммони ҳал қилиш учун кибержиноятларни тергов қилиш бўйича махсус фанларни жорий этиш, ўқув машғулотларни ўтказиш, шунингдек, рақамли далиллар ва улар билан ишловчи технология ва дастурларни ўргатиш бўйича семинарлар ташкил этиш керак.

Шу нарсани тан олишимиз керакки, кибержиноятларни фош этиш ва тергов қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг аксарият ходимлари учун жуда қийин вазифа бўлиб қолмоқда.

Бу қисман тергов ва суд амалиёти материалларининг тизимли умумлаштирилмаганлиги, ушбу турдаги жиноятлар бўйича терговни ташкил этиш бўйича услубий тавсияларнинг йўқлиги, аниқ терговчи ва суриштирувчиларнинг рақамли шаклда далиллар (электрон хабарлар, метамаълумотлар, тармоқдаги излар ва ҳ.к.) нинг аниқ манбалари бўйича тажрибаси камлиги билан боғлиқ. Рақамли далиллар билан ишлашнинг услубий қоидалари барча процессуал ҳуқуқ соҳалари учун бир хил мажбурий аҳамиятга эга. Шу билан бирга, ушбу қоидалар шахснинг ҳуқуқ ва

эркинликлари билан бевосита боғлиқ. Қолаверса, ҳуқуқни қўллаш амалиётида рақамли далиллар билан ишлаш бўйича шаклланган турли амалиётларни унификация қилиш эҳтиёжи мавжуд. Шу боис мазкур қоидалар муайян ваколатли субъект томонидан тасдиқланиши ҳамда халқаро амалиёт ва стандартларга мослаштирилиши мақсадга мувофиқдир [2. Б. 259].

Илмий-назарий жиҳатдан соҳага оид хусусий криминалистик услубиётларни ишлаб чиқиш масаласи Ўзбекистон шароитида кам тадқиқ этилган йўналишлардан биридир. Бу борада, мамлакатимиз криминалист олимлари томонидан соҳанинг айрим аспекти ўрганилган бўлса-да, аммо монографик тадқиқотлар деярли ўтказилмаган. Ушбу ҳолатлар ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли процессуал ва тактик хатоликларнинг юзага келишига ҳам сабаб бўлмоқда [3].

Бундан ташқари, олий таълим муассасаларида тегишли мутахассислик бўйича кадрлар тайёрлашнинг етарли даражада эмаслиги ҳам ушбу соҳадаги муаммоларнинг асосий сабабларидан биридир.

Айни пайтда виртуал маконда сақланадиган маълумотлар миқдори жуда катта тезликда ошиб бормоқда, бу эса кибержиноятларни тергов қилишда улкан маълумотлар миқдори билан кўплаб қийинчиликлар олиб келмоқда. Шунингдек, Жиноят-процессуал Кодексида белгиланган дастлабки тергов муддати ушбу жиноятларни тергов қилиш ва экспертиза учун етарли бўлмайди. Бу эса ушбу соҳанинг мураккаблиги ва ўрганилмаганлиги билан бевосита боғлиқдир.

Бундан ташқари, тергов ва суд амалиёти материалларини кибержиноятларнинг ҳар бир тури бўйича умумлаштириш жуда қийинлиги; жинойий ҳаракатларни тергов қилишни ташкил этиш бўйича ҳам, тергов ҳаракатларини ўтказиш тактикаси бўйича ҳам услубий тавсияларнинг йўқлиги; жиноятларни тергов қилишда иштирок этаётган шахсларда махсус билимларнинг етишмаслиги билан боғлиқ бўлган эксперт хулосасининг кейинги идрок этилиши жиноятни аниқлаштиришнинг қийинлигига сабаб бўлади [4].

Юқоридагиларни умумлаштириб, биз кибержиноятларни тергов қилишнинг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат, деган хулосага келишимиз мумкин:

✓ рақамли технологиялар соҳасида малакали мутахассисларнинг етишмаслиги;

✓ мавжуд мутахассисларнинг малакаси етарли даражада эмаслиги;

✓ терговга расмий (процессуал) ёндашувнинг мушкуллиги;

✓ экспертиза натижаларини изоҳлашнинг мураккаблиги.

Юқоридаги муаммоларни ҳал қилиш ва кибержиноятларни тергов қилиш самарадорлигини ошириш учун қуйидагилар зарур:

– махсус билимга эга мутахассислар сонини кўпайтириш ва уларни кибержиноятларни тергов қилишга жалб этиш зарур. Шунингдек, ушбу мутахассисларнинг малакасини ошириш имкониятини таъминлаш лозим бўлади;

– ушбу соҳа эксперти, мутахассислари ва терговчиларининг махсус билимларга эга эканлигини инобатга олган ҳолда, хато ва ноаниқликларни ҳамда қонун талабларини бузиш ёки ундан четга чиқишларни бартараф этиш учун уларнинг фаолияти устидан пухта назорат ўрнатиш зарур. Прокуратура органларида кибержиноятлар тергов устидан махсус назорат бошқармасини ташкил этиш лозим;

– муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли эксперт хулосалари билан бевосита ишловчи шахсларнинг ахборот соҳасидаги саводсизлигини бартараф этиш ҳам муҳим аҳамиятга эга;

– ушбу тоифадаги ишларни тергов қилиш учун терговчиларни (суриштирувчиларни) тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш;

– компьютер технологиялари соҳасидаги тадқиқотларга ихтисослашган мутахассисларнинг техник имкониятларини ошириш;

– кибержиноятларни тергов қилишнинг амалий жиҳатлари бўйича илмий ва услубий адабиётлар ҳажмини ошириш.

Ҳозирги вақтда ушбу турдаги жиноятларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, кибержиноятларни фош қилиш қийин вазифа бўлиб қолмоқда.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Каримов Бобуржон. «Научно-теоретические вопросы категории цифровых доказательств» *Review of law sciences*, vol. 5, no. Спецвыпуск, 2020, – Р. 150. doi:10.24412/2181-919X-2020-149-153,

2. Астанов И., Хамидов Б. (2021). Общетеоретические вопросы, связанные с электронными или цифровыми доказательствами: проблема и решение. *Общество и инновации*, 2(7/S), 259–278. <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol2-iss7/S> – PP. 259-278,

3. Khamidov Bakhtiyor Khamidovich et al. “General Theoretical Issues of Improving Private Forensic Methods In The Field Of Combat Against Cybercrime”. *Psychology and education* (2021) 58(1): 2705-2712 DOI: <https://doi.org/10.17762/pae.v58i1.1153>.

4. Михайлов Я. Компьютерно-технические экспертизы // Юридический блог. [Электронный ресурс]. Режим доступа: <http://http://www.fin-lawyer.ru/>.